(1738-йил - Бухоро - 1751-йил)
(1747-1751)

Аштархонийлардан бўлган Бухоро хони. Абулфайзхоннинг ўгли.
Абулфайзхоннинг етти фарзанди бор эди. У маст чогида уларни ўлимга махкум этади. Хали гўдак бўлган Абдулмўмингина тахт остига яшириниб, омон колади. Абулфайзхон ўлимидан сўнг (1747), Абдулмўминни Мухаммад Рахим оталик тахтга ўткизади ва ўзига куёв килиб олади. Бухорода турган эрон шохи Нодиршохнинг укаси Аликулихон бошчилигидаги кўшин ўз юртига жўнатиб юборилган. У тахтга ўткизилган бўлсада амалда хокимят бутунлай мангитлар кўлида, яъни Мухаммад Рахим кўлида бўлган. Бирок орадан 4 йил ўтгач, Мухаммад Рахим куёви Абдулмўминни хам ўлдиртириб, тахтга Абулфайзхоннинг кичик ўгли Убайдуллахон III ни ўтказади (1751).